Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

6 сентябрь, сешанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 174 (922)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

3 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мустақиллик кубоги халқаро футбол мусобақалари ҳомийлари — Голландиянинг "Аес холланд групп", "Нутриция", "Синевидео", "Себеко инт. проджекст" компаниялари ва "Нуон" концерни раҳбарларини қабул қилди.

Ислом Каримов суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Голландия ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Айниқса, қишлоқ хўжалигини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, спорт соҳасидаги ҳамкорлик истиқболли эканини таъкидлади.

Голландиялик ишбилармонлар Ўзбекистонда хорижлик сармоядорлар учун кенг имкониятлар яратилганини қайд этиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, спорт, телекоммуникация, энергетика ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш ниятида эканини айтдилар.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ўткир Султонов иштирок этди.

***

Шу куни Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида "Аес холланд групп" компанияси раҳбари Карл Аалберс Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ўткир Султонов билан ҳам учрашди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли режалари муҳокама қилинди. Томонлар ўзларини қизиқтирган кўпгина масалалар хусусида фикрлашиб олдилар.

***

5 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Тожикистондаги махсус элчиси Перес Баллонни қабул қилди.

Суҳбатда минтақадаги вазиятни барқарорлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабулда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

3 сентябрь куни Қишлоқ хўжалик вазирлигида пахта йиғим-терими, кузги бошоқли дон экинлари экиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш масалаларига бағишланган кенгаш бўлди. Унда тегишли вазирлик, ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этди. Шунингдек, Қорақалпоғистон ҳамда вилоятлар ҳокимлиги раҳбарлари билан сим орқали мулоқот ўтказилди.

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Кенгашда катта меҳнат ва пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг 50-60 фойизи очилгани, баракали ҳосилни йиғиб-териб олиш учун пахтакорларга зарур шароит яратиб берилаётгани таъкидланди.

— Пахта йиғим-терининг муваффақияти, — деди И. Жўрабеков, — дефолиацияни сифатли ўтказишга боғлиқ. Бу соҳада ўтган йилги хатолар такрорланмаслиги зарур.

Вазирлар Маҳкамасининг пахта теримини уюшқоқлик билан ўтказиш тўғрисидаги қарорида етиштирилган ҳосилни қисқа фурсатларда сифатли йиғиб-териб олиш лозимлиги қайд этилган. Хўш, бу вазифа жойларда қандай бажарилмоқда. Афсуски, ҳанузгача теримни бошламаган, мавсумга пухта тайёргарлик кўрмаган хўжаликлар бор. Сурхондарё, Жиззах, Тошкент ҳамда Бухоро вилоятларида пуркагич аппаратларининг атиги 70-85 фойизи таъмирланган, холос. Уларнинг сифати ҳам кўнгилдагидек эмас. Айрим хўжаликларда ҳалигача пахта пунктларида ишлатиладиган асбоб-анжомлар келтирилмаган.

Бу йил биринчи марта республикамизда икки миллион тоннага яқин дон етиштирилди. Андижон, Наманган, Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё, Навоий ва Жиззах вилояти хўжаликлари ғалладан мўл ҳосил олдилар.

Президентимиз Ислом Каримов ғаллакорлар олдига яқин йиллар ичида дон мустақиллигига эришишдек масъулиятли вазифани қўйди. Вазирлар Маҳкамаси "1995 йилда суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди. Унда келгуси йили 3 миллион 300 минг тоннадан зиёд ғалла етиштириш кўзда тутилган.

Сим орқали суҳбатда вилоят ҳокимлари кузнинг ғанимат дамларидан самарали фойдаланиб, пахта теримини уюшқоқлик билан ташкил этиш, экиндан бўшаган ерларни пешма-пеш шудгорлаб, кузги дон сепишни аниқ тадбирлар асосида амалга ошириш борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапирдилар.

Кенгашда республика Бош вазирининг ўринбосарлари Б. Ҳамидов, М. Усмонов, Қ. Ҳаққулов иштирок этди.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

"Соғлом авлод учун" жамғармаси бошқаруви "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририятлари билан ҳамкорликда "Оила — жамият пойдевори" шиори остида суратлар танловини эълон қилади.

Профессионал ҳамда ҳаваскор суратчилар тақдим этадиган суратлар авлодларнинг ўзаро алоқадорлиги, оилавий сулолалар, оиланинг жамиятдаги мавқеи, унинг маънавий қадриятлари, меҳнат ва ижтимоий фаолиятдаги, таълим, спорт машғулотлари, бадиий ҳаваскорлик, уй-жойларнинг ободончилиги ва маҳалла ҳудудидаги ютуқлари ҳақида ҳикоя қилиши лозим.

Танлов шартларига кўра 18x24 ҳажмдаги суратлар негативи билан бирга қуйидаги манзил (таҳририят)га юборилиши керак: 700000, Тошкент ш., Матбуотчилар кўчаси, 19. Энг яхши суратлар "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари саҳифаларида чоп этилади.

"Соғлом авлод учун" жамғармаси бошқаруви раисининг муовини А. Хўжаев, Тошкент худудий бўлинмаси директори Р. Раҳмонова, жамғарманинг бош мутахассиси Н. Кузнецова, "Халқ сўзи" газетасининг масъул котиби Э. Б лиев, "Народное слово" газетасининг масъул котиби А. Тюриковдан иборат жюрининг қарорига биноан танловга йил охирида якун ясалиб, ғолиблар қуйидаги мукофотлар билан тақдирланадилар:

биринчи — 1.000 сўм,
иккита иккинчи — 750 сўмдан,
учта учинчи — 500 сўмдан,

Барча талабгорларни танловда қатнашишга таклиф этамиз.

МОСКВАДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ БАЙРАМИ

Истиқлолимизнинг уч йиллик тўйи нафақат ўзбекистонда, балки хорижда ҳам нишонланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонаси "Ватандош" кенгаши ҳамда "Россия-Ўзбекистон" жамияти билан ҳамкорликда Москвада мустақиллигимизнинг уч йиллигига бағишланган тадбир ўтказди.

Байрам муносабати билан Москванинг "Тошкент" кинотеатрида юзлаб ватандошларимиз, жамоатчилик вакиллари, талабалар йиғилдилар. Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги муваққат ишлар вакили Ш. Шохалилов, "Ватандош" кенгаши раиси Ф. Хўжаев ва бошқалар бу қувончли кун билан йиғилганларни қутлаб, мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида гапириб бердилар.

Ф. ПАРПИЕВ.
(ЎзА)

• *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хабар қилади:*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА БОШҚА ТУЗИЛМАЛАРДА ОМОНАТ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги пайтда тижорат тузилмаларининг аҳолидан омонат жалб этиш ҳоллари кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунининг 2-моддасига мувофиқ, пул омонатларини жалб этиш ва уларни жойлаштириш банк операцияси ҳисобланиб, бундай фаолият учун Марказий банк ижозатномасини (лицензия) олиш талаб қилинади. Республикамиз фуқароларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида шундай тартиб ўрнатилган бўлиб, бу тартиб ҳукумат қарори билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Марказий банк аҳолига ўз омонатларини Ўзбекистоннинг фуқаролар билан операция ўтказишга ижозатномаси бўлган қуйидаги тижорат банкларининг омонат тармоқларида сақлашни тавсия қилади:

Саноат-қурилиш акционерлик-тижорат банки, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, агросаноат акционерлик-тижорат банки, "Тадбиркор", Акционерлик-тижорат банки, Ўзжамғармабанк, Утбанк, Ўзбекистон-Туркия банки, "Ипак йўли" акционерлик-инновацион тижорат банки, акционерлик-тижорат Ўзсавдогарбанк, Акционерлик-биржа трастбанк, тижорат Ўзлегкомбанки, тижорат Ўзпрофбанки, акционерлик-инновацион Ўзинбанк, акционерлик-тижорат "Наманганбанк", тижорат Ўзагробанки, Ўзинвестбанк акционерлик-тижорат тараққиёт банки, акционерлик-тижорат "Андижон-банк", акционерлик-тижорат Ўзавто-йўлбанки, акционерлик-тижорат Ўзавиабанки, "Турон" тижорат-жамлаш банки, "Тошкент" тижорат банки, акционерлик-тижорат "Стройкоммербанк", "Рустамбанк" тижорат банки, "Шарқ" кооператив банки.(Самарқанд шаҳри), "Олимбанк" ва "Умарбанк" хусусий банклари (Самарқанд шаҳри), "Ғаллабанк" ва "Мевасабзавотбанк" республика ихтисослашган акционерлик-тижорат банклари.

Банк ижозатномасисиз аҳоли омонатларини жалб этаётган бошқа компаниялар фаолияти қонунга зид ҳисобланади. Омонатларни қабул қилиш фаолияти товламачилик ва аҳолини алдашдан иборат бўлган тижорат тузилмалари мажбуриятлари учун Марказий банк жавобгар эмас.

«Оқ олтин» карвони йўлга чиқди

Пахтакорлар учун орзиқиб кутилган дамлар ҳам етиб келди. Республикамиз мустақиллигининг уч йиллигини муносиб кутиб олган пахтакорлар йиғим-теримни зўр уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда бошладилар. Пахта харид нархларини ошириш, механизатор ва теримчиларга ҳақ тўлашни яхшилаш борасидаги фермонлар деҳқонларимиз кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

Поп тумани пахтакорлари бу йил 17 минг 300 гектар ерда пахта етиштириб 45 минг тонналик хирмон яратиш учун бел боғлаганлар. Далаларда ҳосил мўл. Куни кеча нафақат вилоятда, балки жумҳуриятда биринчилардан бўлиб йиғим-теримга киришган поплик пахтакорлар Мустақиллик байрами арафасида "Оқ-олтин" карвони ташкил этдилар.

Эрта тонг. Карнай-сурнай овозлари шодиёнадан дарак бериб янграйди. Поп пахта заводида мазкур шодиёнага бағишланган маросимда сўз олган вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев попликларни илк муваффақиятлари ҳамда Мустақиллик байрами билан қутлаб, бу йил пахтакорлар олдида турган муҳим вазифалар ҳақида сўз юритди.

Сўзга чиққан "Найман" жамоа хўжалиги раиси Обиджон Сайдалиев пахтакорларни қувончли воқеа билан қутлади ҳамда ўзи бошқараётган жамоа аъзолари йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиб, ўз режаларини туманда биринчилардан бўлиб уддалашга аҳд қилганликларини билдирди.

Вилоят ҳокими Бургутали Рапиғалиев дарвозага тортилган алвон лентани қирқиши билан пахта пунктига бирин кетин "оқ олтин" карвонлари кириб кела бошлади. Кексалар, меҳнат фахрийлари бу йилги ҳосил мўл бўлишини тилаб дуои фотиҳа қилдилар.

Шу куни қабул пунктига туманнинг "Қуштепа", "Наврўз" Ғурумсарой" жамоа хўжаликлари 40 тоннадан зиёд пахта топширишди. Илк муваффақиятда "Қуштепа" жамоа хўжалигининг илғор механизаторларидан Содиқжон Тўйчиев, Узоқбой Раҳимбоев, "Наврўз" жамоа хўжалигидан эса механизаторлар Маъруф Аббосов, Акрам Пўлатов, чевар теримчилардан Одина Абдурахмонова, Марҳамат Ҳайитова кабиларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Шу ернинг ўзидаёқ туман пахтакорлари бу йилги ҳосилни нестнобуд қилмасдан йиғиштириб олиш, режани узоғи билан 20 октябрга қадар уддалашга келишиб олдилар.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ,
"Халқ сўзи" мухбири.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси миллий байрами муносабати билан Мексика халқи ва ҳукумати номидан Сизга самимий табрик йўллайман.

Имкониятдан фойдаланиб, Сиз жаноби олийларига ва Ўзбекистоннинг олижаноб халқига равнақ, сиҳат-саломатлик ва фаровонлик тилайман.

Карлос Салинас де ГОРТАРИ,
Мексика Қўшма Штатлари Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

қувончли воқеа — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан Сизга ва қардош Ўзбекистон халқига самимий қутловимни изҳор қилишдан жуда мамнунман.

Кези келганидан фойдаланиб, Сиз жаноби олийларига узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

Юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз, жаноби олийлари.

Форуқ Аҳмадхон ЛЕГАРИ,
Покистон Ислом Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни байрам қилиниши муносабати билан Исроил халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Эзер ВАЙЦМАН,
Исроил Давлати Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Мустақиллиги куни муносабати билан Қувайт халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизга самимий истакларимни изҳор этиш менга жуда катта мамнуният бағишлайди. Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, мамлакатингизга равнақ ва фаровонлик тилайман.

Жобир ал Аҳмад ас-САБОҲ,
Қувайт Давлати Амири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан ўзим ва бутун тай халқи Сиз жаноби олийларини самимий табриклаб, энг эзгу тилакларимизни йўллаймиз. Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқига фаровонлик ҳамда равнақ тилаймиз.

Пумипон АДУЛЬЯДЕТ Р.,
Таиланд қироли.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Ислом Каримов жаноби олийлари!

Дўст мамлакатингиз мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан Сиз жаноби олийларига, Сиз орқали ҳукуматингиз ва халқингизга Фаластин Озодлик Ҳаракати Ижроия Қўмитаси, Фаластин миллий ҳокимияти ва Фаластин халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан энг самимий табриклар ва эзгу тилакларни йўллашдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, халқимизнинг адолатли курашини қўллаб-қувватлашга қаратилган ва турли доираларда баён этилган фикрларингиз учун Сизга ва дўст мамлакатингизга яна бир бор миннатдорлик билдираман. Шу хайрихоҳлик туфайли ҳозирги пайтда ҳукуматларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Халқимиз муқаддас заминда ўз миллий ҳокимиятини қуриш, хавфсизлиги, тараққиёти ва равнақини таъминлаш йўлида курашни давом эттирмоқда.

Сизнинг доно раҳбарлигингиз остида биродар халқингиз ва мамлакатингизга тараққиёт ҳамда равнақ тилайман.

Ёсир АРАФОТ,
Фаластин Давлати Президенти, Фаластин Озодлик Ҳаракати Ижроия Қўмитаси раиси, Фаластин Миллий ҳокимияти раиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Ўзбекистоннинг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Сизга сиҳат-саломатлик ва масъул ишингизда муваффақиятлар тилайман.

Вацлав ГАВЕЛ,
Чехия Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг давлат байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Сизга самимий табрик йўллайман ва қардош ўзбек халқини чин дилдан қутлайман. Беларусь Республикаси ва Ўзбекистон Республикасида халқларимизнинг манфаатлари йўлида икки томонлама ҳамкорликни кенг ривожлантириш учун ҳамма асослар мавжудлигига ишончим комил.

Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва мамлакатингиз халқига ўзимнинг энг эзгу тилакларимни йўллайман. Сиз ва биз орзу қилаётган демократия идеаллари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашига ишончим комил.

Имкониятдан фойдаланиб, Сиз жаноби олийларига катта муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон Республикаси халқига осойишталик ва равнақ тилайман.

Алгирдас БРАЗАУСКАС,
Литва Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистоннинг миллий байрами менга Мальта ҳукумати ва халқи номидан Сиз жаноби олийларига, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига саломлар ҳамда табриклар йўллашдек ажойиб имконият беради.

Сиз жаноби олийларига мустаҳкам соғлиқ, халқингизга эса тараққиёт ва равнақ тилайман.

Уго МИФСУД,
Мальта Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз. Сизга, бутун ўзбек халқига бахт-саодат, фаровонлик, мамлакатингизнинг барқарор ривожланиши ва гуллаб-яшнаши йўлида катта муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан,

И. КОРОТЧЕНЯ,
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ижрочи котиби.

• Миллий истиқлол мафкураси

ОЗОДЛИК ЎЗБОШИМЧАЛИК ЭМАС

Мустақиллик, аввало боқимандалик, тобелик ва қарамликдан озод бўлиш демакдир. Аммо озодлик эса ўзбошимчалик эмас, онгли бир зарурат. У иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва мафкуравий жиҳатдан ўз қадр-қимматини белгилаётган, ўз "мен"ини англаган ўзбек халқинингина эмас, балки бутун инсониятнинг ҳам ҳаётий эҳтиёжидир.

Инсоният доимо сиёсий фалсафага, миллий истиқлол мафкурасига эҳтиёж сезиб келган.

Миллий истиқлол мафкураси дунёқараш сифатида таркидуне қилиб, ўз қобиғида узлатга чекиниш эмас, балки илғор мамлакатларнинг маънавият соҳасидаги тажрибаларини ўрганган ҳолда жаҳон цивилизациясига қўшилишга, ўз миллий қадриятларини тиклашга, миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришга интилиш ҳисобланади. Бизнингча, юртбошимиз ҳам "Олдимизда турган энг муҳим масала, бу — миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга тадбиқ этишдир", — деганда асосий эътиборни ана шундай замонавий мафкурани шакллантиришни назарда тутган эди.

Шу ўринда миллий истиқлол мафкурасининг ўзи нима, у қандай шаклланади? деган саволлар пайдо бўлади.

Миллий истиқлол мафкураси қандай бўлиши ҳақида таклиф ва мулоҳазаларни эса энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қоидалари билан солиштириб кўрайлик. Асосий Қонунимизнинг 12-моддасида "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас", деб ёзиб қўйилган. Шундай экан унинг замирида инсон эркини, тенг ҳуқуқлилиги, ҳавфсизлигини таъминлаш ғояси ётади. Маълумки, давлат жисмоний, моддий шаклда кўринади. Мафкура эса унинг жонидир. Жон бор экан, жисм яшайди ёки ватан тупроқларини, аҳолини, миллатни яшатадиган омил — бу миллий мафкурадир. У миллатнинг тарихий, фалсафий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, сиёсий, эстетик борлиқларидир. Бу соҳада олимлар, ижодкор зиёлилар, сиёсатчи ва давлат арбоблари ҳар томонлама чуқур мулоҳазали илмий, амалий фикрларини эълон қилишди ва қилишмоқда Уларда миллий истиқлол мафкурасининг алоҳида, ўзига хос, такрорланмас, ғоят долзарб муаммолигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган.

Муаллифларнинг айримлари миллий истиқлол мафкураси тарихий онг десалар, баъзилари кишиларнинг руҳий фаолияти дейдилар. Учинчилари — мафкура аҳлоқ-нафосат ва назарий қадриятлар мажмуи десалар, тўртинчилари мафкура — ҳақиқат, қиммат ва гўзалликлар қиёми дейдилар. Яна бошқалари мафкура — инсоннинг жамики аҳлоқий қадриятлари мажмуаси деб тушунсалар, бировлар мафкура — инсоннинг ҳис туйғулари дунёсидир, дейишади.

Бизнингча, мафкура беполён, чексиз борлиқнинг инсон руҳиятида ва амалий фаолиятида ифодаланиши, мураккаб, кўпқиррали қадриятларга асосланган ижтимоий фалсафий дунёқарашларнинг мажмуидир.

Миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсади республикамиздаги барча халқлар қалбида ватанга фидойиликни мустаҳкамлашдан иборат. Бу ерда "миллий" сўзи бошқа миллат вакилларини мутлақо чўчитмаслиги, уларнинг кўнглига заррача бўлса-да, ғулу солмаслиги лозим.

Маълумки, марксизм, жамият қарама-қарши синфлардан иборат экан, уларнинг манфаатлари ҳеч қачон мос келмайди, шу сабабли ягона миллий мафкура бўлиши мумкин эмас, деб тушунтириб келди. Ваҳоланки, жамият ҳам, тушунчаларимиз ҳам ўзгармас бўлиб қотиб қолмаган экан мафкура ҳам моддийликка айланиб синфий, миллий бўлиши мумкин.

Жаҳон тарихидан ва яқин ўтмишимиздан аёнки, жамиятнинг маълум бир қисмига хизмат қиладиган мафкура ҳукмрон бўлса ёки миллий озодлик ҳаракати авж олган пайтларда мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлиб, ҳар хил сиёсий кучлар тўқнашувига йўл қўйилса, давлат жиловни ўз қўлига олмаса, кўплаб фожиалар келиб чиқиши мумкин. Октябрь инқилоби арафасида ёки яқиндагина мустақилликка эришган кўпгина собиқ жумҳуриятларда ҳам партиялар ривожланиш йўлларини кўрсатувчи мафкуравий ғояларни илгари сурганлиги ва "Ким биз билан эмас экан — у бизга душмандир" деган ақидага амал қилганлиги оқибатида жамиятни жар ёқасига келтириб қўйдилар. Масалан, пролетариатнинг ҳокимият тепасига келиши ва пролетар синфи мафкурасининг давлат мафкураси даражасига кўтарилиши билан жамиятдаги бўлиниш кескинлашиб кетди, фуқаролар урушининг келиб чиқишига олиб келди. Сўнгра бутун тарих давомида пролетар мафкурасини тан олмаганларга қарши доимий ва мунтазам кураш олиб борилди.

Шу маънода яратилаётган миллий истиқлол мафкурамиз зўравонликка қарши тор қобиққа ўралмаган, кенг инсонпарвар тушунчаларга эга бўлиши билан бирга, жамият тараққиётининг жуда кўп қирраларини белгилаши, Ўзбекистонда яшаётган барча халқлар эзгу ниятларининг амалга ошувига ёрдам қилишга қаратилган.

"Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" рисоласида ҳам: "Ҳар бир миллат дини, эътиқодидан қатъий назар ўз урф-одатини сақлаш, ўз тарихини ўрганиш эркинлиги"га алоҳида урғу берилган. Айниқса, "Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши миллий мансублиги ва эътиқодидан қатъий назар, республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир" ёки "Озчиликдан иборат миллатларнинг манфаатлари ва фуқароларни ҳимоя қилиш, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналари сақланиши ҳамда ривожланишини кафолатли таъминлаш" каби ўткир, чуқур мазмунли сўзлари, "мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар, деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт" деган фикрлари миллий истиқлол мафкурасини яратишда ижтимоий, фалсафий, назарий асос бўла олади.

Янги мафкурада сўз ва виждон эркинлиги, умуминсоний қадриятлар ва инсонпарварлик кафолатланади, илм-маърифатлилик камол топади. Барча халқларнинг анъаналари ва урф-одатлари, диний эътиқоди, тили ва маданияти ҳурмат қилинади. Давлат эса бундай жамиятни барпо этишнинг асосий йўли фуқаролар ўртасида тотувликни, миллатлараро иноқликни тўла таъминлаш, ҳамма нарсада ва ҳамма вақт қонунчиликка ва тартиб-интизомга риоя этишда деб билади.

Жамиятимизда кунба-кун янги маънавий — руҳий муҳит яратиляпти. Умуминсоний қадриятларимиз қайта қарор топиб, ҳаётий масалаларни ҳаққоний ва рўй-рост ёритиш имконияти юзага келмоқда.

Истиқлол мафкураси амалпарастлик, мартабабозлик, худбинлик, лаганбардорлик ва бошқа қусуру нуқсонларга қарши курашда қарор топади. Энди биз ҳар қандай ташқи тўсиқларга, тазйиқларга қарши қаратилган кураш эмас, ҳар бир шахс, аввало, ўзининг фаолиятига баҳо бериб, ўзидаги нуқсон, иллатларни сезиши, тан олиши ва бир ёқли қилиши, маънавий покланиши, ўзининг ҳалол ҳаёт йўлини топиши, шу йўл билан бутун ижтимоий ҳаётимизнинг соғломлашуви ва янгиланишига ҳиссасини қўшиши лозим.

Шундагина мустақилликни мустаҳкамлашда ўзаро аҳиллик, мустаҳкам интизом қарор топади.

Миллий истиқлол мафкурасини яратишда, ёшлар қалбию онгида Ватан туйғуси тушунчаларини қудратли кучга айлантириш долзарб вазифалардан биридир. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган XV сессиясида ҳамманинг эътиборини янгича фикрлашга тортиб: "Айрим шахслар ўтмиш ва келажак ҳақидаги чиройли сўзларга маҳлиё бўлиб, бугунги кунни, бугун яшаётган кишиларнинг, фарзандларимизнинг, ёшларимизнинг маънавий ва ахлоқий жиҳатларини унутиб қўймаяптими?

Келажак ўз-ўзидан келмайди. У бугунги машаққатли меҳнат билан яратилади. Бугун яратган нарсамиз келажакка ҳам ўтади. Агар бугун шошилиб ниманидир унутсак, келажак авлодлар ўша нарсалардан маҳрум бўлади.

Жамият маданиятсиз, маънавий-ахлоқий қадриятсиз яшай олмайди. Уларни писанд қилмаган жамият пировард — оқибатда таназзулга юз тутади. Афсуски, шу оддий ҳақиқатни айрим раҳбарларимиз тадбиркор ва ишбилармонларимиз етарли даражада тушуниб олмаганга ўхшайди", деганда тўлиқ ҳақ эди.

Ҳамма жамиятда ёшлар тарбияси энг асосий азифа деб қаралиб келинган. Биз тарихий қадриятларга кўпроқ маҳлиё бўлиб ҳозирги қийинчилик туфайли пайдо бўлаётган энг муҳим томонлар эътибордан четда қолмаслиги лозим. Давлат рамзлари, байроқ, мадҳия, туғрони эъзозлаш она юртга меҳр-муҳаббатнинг энг ёрқин кўринишидир. Қисқа вақт ичида катта-катта боғларнинг яратилиши, номларнинг ўзгартирилиши, байрамларнинг белгиланиши каби қатор тадбирлар амалга оширилди. Албатта, булар охирги тўрт йил ичида амалга оширилган улуғ тарихий тадбирларнинг айримларидир, холос. Аммо эсга олинганлари ҳам айтишгагина осон. Улар қанчалик қатъият, метин ирода, улкан куч, ғайрат, тинимсиз меҳнат, ташкилотчилик фаолияти, шижоаткорона кураш ва буюк маънавий қудрат эвазига рўёбга чиққанлиги хусусида ҳали йирик-йирик тарихий, фалсафий, ҳуқуқий йўналишдаги илмий тадқиқий ва бадиий китоблар ёзилиши тайин.

Чунки бу рамзларда, яратилаётган ҳар бир боғларда, ўзгартирилаётган номларда халқимизнинг руҳияти, орзу-умидлари, келажак ҳақидаги мақсадлари умумлашган.

Дунёнинг аксарият халқлари ҳозир ирқий, диний, иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий соҳаларда аллақачон тил топишиб улгурди. Хамонки, биз ҳам ўз давлат сиёсатимизни умумбашарий мезонларга менгзаб олиб бораётган эканмиз, шаксиз миллий истиқлол мафкураси борасида ҳам халқаро миқёсда фикрламоққа мажбурмиз. Чунки бугун бизнинг мустақил давлатимиз, истиқлолимиз белгиси бўлган ўз байроғимиз, туғромиз, турли давлатларда элчихоналаримиз бор. Булар қаторида ўзимизга хос доно фалсафамиз, миллий истиқлол мафкурамиз, маданиятимиз ҳам дунё саҳнасига чиқиб бормоғи керакки, жаҳон жамоатчилиги юртимиз, миллатимизга ана шу қадриятларимизга қараб ҳам баҳо беради, танийди, тан олади, ҳурмат қилади.

Тангир САТТОРОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.

• Мамлакатимизда янги ўқув йили бошланди

ШАРАФ

Биз бир гуруҳ талабалар учун янги ўқув йили бошланди. Нега дейсизми? Чунки биз кеча ёзда ўтказган амалиётимиз юзасидан устозларга ҳисобот бердик. Гурухдош дўстлар ўзаро баҳслашдик. Мутолаа жараёнида нима-ларга кўпроқ эътибор беришимиз кераклигини белгилаб олдик.

Биласиз, университетимиз ёш давлатимизга жаҳон талабларига жавоб берадиган халқаро ҳуқуқ, иқтисод ва журналистика соҳалари бўйича мутахассислар, дипломатлар тайёрлаб беришга ихтисослашган. Ана шундай катта масъулиятли ишга чоғланган талабалар июль — август ойларида давлатимизнинг МДҲ мамлакатларидаги элчихоналари ва турли кўшма корхоналарда ўз соҳалари бўйича амалиёт ўтади. Хусусан, мен бир гуруҳ дўстларим билан бирга Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонасида хизмат қилдим. Тажриба ўргандим.

Гуруҳимиздаги 40 нафар талабанинг ҳар бири олиб келган ижобий тавсифномалар ва авқ-шавққа тўла таассуротлардан маълум бўлдики, атрофда мустақил Ўзбекистонимизнинг обрў-эътибори баланд экан. Бу шарафни янада юксалтириш учун бугундан бошланаётган янги ўқув йилида тенгдошларимга куч-ғайрат ва янги изланишлар тилайман.

Жамшид ОТАХОНОВ,
Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетининг учинчи босқич толиби.

• Хабарлар

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Республикамиз мустақиллигининг уч йиллиги арафасида Ғузор шаҳрида 260 ўринли янги болалар боғчаси фойдаланишга топширилди.

Ушбу болалар муассасаси Шўртан газ конлари бошқармаси маблағи ҳисобига бунёд этилди. Байрам кунлари янги боғча 260 кичкинтойни ўз бағрига олди.

П. ГАДОЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

АРҚОН ПИШИҚ БЎЛСА...

Сурхондарёда 11 та пахта тозалаш заводи бор. Аммо ҳозирга қадар тайёр толани ўрайдиган нотўқима мато узоқ йўл тортиб Намангандан ташиб келтирилар эди. Узун пахта тозалаш заводида ана шундай мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу цехнинг қуввати заводнинг эҳтиёжидан уч баробар юқори. Демак қолган икки ҳиссаси талабгорларга сотилади. Қизиғи шундаки, бу ерда ана шу нотўқима матодан арқон учун ип ҳам йигирилмоқда. Бу ипдан заводнинг эҳтиёжига қараб арқон ҳам ўриш мумкин. Чунки корхона ҳар йили пахта ғарамларининг устини ёпишга уч тоннага яқин арқон ишлатади-да — агар арқонлар мустаҳкам бўлмаса Сурхондарёнинг шундай шамоллари борки... Узунликлар буни яхши билганликлари учун ҳам арқоннинг пишиқ бўлишига кучни аямайдилар.

Тожиддин РАЗЗОҚ,
"Халқ сўзи" мухбири.

МУСТАҚИЛЛИКНИ УЛУҒЛАБ

Урганч суратлар галереясида Республика мустақиллигининг уч йиллигига бағишлаб "Менинг ўлкам" кўргазмаси ташкил қилинди.

Кўргазмага тасвирий санъатнинг турли жанрларига оид икки юздан зиёд асарлар қўйилган. Улар орасида Рўзи Чориев, Жавлон Умарбеков, Чингиз Аҳмаров каби таниқли мўйқалам усталарининг портрет, натюрморт, манзара жанрида ишлаган асарлари, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Сурхондарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида яшаб, ижод қилаётган мусаввирларнинг рангтасвир асарлари бор.

(ЎЗА мухбири)

УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР ДЕБОЧАСИ

Шарофжон ОТАМУРОДОВ, Самарқанд туманидаги "Дўстлик" жамоа хўжалиги бригада бошлиғи:

— Бугунги қутлуғ айёмда ҳар бир кишининг мустақил босиб ўтилган йўлга назар ташлаши табиий. Шу нуқтаи назардан мулоҳаза юритадиган бўлсак, туманимизда, хўжалигимизда уч йил ичида юз берган ўзгаришларнинг ўзиёқ танланган истиқлол йўли нақадар тўғри эканлигини кўрсатиб турибди.

Бир пайтлар хўжалик далаларида етиштирилган маҳсулотнинг деярли ҳаммаси давлат буюртмаси билан консерва заводларига топширилади. Президентимизнинг ғалла ва пахтадан бўлак маҳсулотларга давлат буюртмасини бекор қилиш ҳақидаги фармони, уларни эркин нархда сотиш учун хўжаликларга катта имкониятлар яратилиши энг аввало юрт фаровонлигини оширишнинг муҳим омили бўлди.

Бригадамиз ўн етти гектар ерда сабзавот, йигирма бир гектар майдонда узум етиштиради. Одамлар яхши меҳнат қилса, иқтисодий манфаатдорлик ҳам анча ошишини англаб олишди. Шу сабабли бу йил режадаги 467 тонна ўрнига 530 тонна сабзавот тайёрланди. Хўжалигимиз шаҳар атрофида жойлашгани учун ҳосилнинг асосий қисми савдога чиқарилиятпи.

Илгари хўжаликда тайёрланган ҳосилнинг ақалли бир қисмини шу ернинг ўзида қайта ишлаш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Чунки, биринчидан, давлат буюртмаси асосида ҳосилнинг сўнгги мисқолигача Самарқанддаги иккита консерва заводига юборишга мажбур қилишса, иккинчидан, ўзимизда қайта ишловчи корхона йўқ эди. Ҳосил тўласинча ўша заводларга етиб борса майлику-я, аммо бир қисми йўлда эзилиб, яроқсиз ҳолга келибқоларди. Бунинг зарари ҳам сўзсиз хўжалик гарданига тушарди.

Яқинда бизда узумни қайта ишлаш, томат пастаси цехи қурилди. Энди хўжаликда ҳар йили қарийб 300 тоннна вино тайёрланаяпти. томат пастаси цехи бир кеча-кундузда 200 тоннагача помидорни қайта ишлашга қодир. Буларнинг барчаси бизгв қанча фойда келтираётганини ҳисоблаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Шу даромадлар эвазига кўчалар асфальтланаяпти. Янги қурилган бир юз эллик хонадон газлаштирилди, тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Кейинги уч йилда нимагаки эришган бўлсак, ҳаммаси истиқлол шарофатидан. Лекин булар ҳали олдинда турган буюк ўзгаришлару фаровонликнинг дебочаси, холос.

"Халқ сўзи" мухбири М. МУҚИМОВ ёзиб олди.

• Ўзбекистон — Ватаним маним!

БУЮК МАМЛАКАТНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИ

Минг қатла шукр, ҳар тонг, ҳар шом дастурхон атрофида халқимизнинг фотиҳага қўл очиб, юртга тинчлик, ёмонларга инсоф, каттаю-кичикка диёнат тилаб қилган дуолари вожиб бўлди. Кўкдан раҳматлар ёғилди. Асрий орзуларимиз ушалиб мустақилликка эришдик.

Ватан ва эрк тушунчалари имон каби кўнгилларда яшайди, кўнгилларда буюклашади. Бугун сизу биз зиммамизга тушган шу тарихий масъулиятнинг залворини ҳис эта олаётганмиканмиз? Ватанга заррача меҳр туйғусидан бенасиб қолмаган эсак, бу муқаддас кун юртимизни ҳумо бўлиб қучган ҳурриятга қовуштирганидан, миллат сифатида буюк давлатчилик тажрибасига эга бўлган, жаҳон илму фанига муносиб ҳисса қўшган аждодларимизнинг меросхўрлари эканимиздан ва биз навқирон авлод шундай улуғ ўтмишга эга миллатнинг келажаги учун хизмат қилаётганимиздан ғурур туйғумиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Ношукр бўлмайлик. Яқин ўтмишда ким эдик? Биз ўша, ҳар куни дастурхон бўйида мол-мулк эмас, юртга тинчлик тилаганларнинг фарзандларини биров йўқлармиди, ўз тилингда ариза кўтариб борсанг, биров очиқ чеҳра билан қабул қилармиди, ўз юртингда эмин-эркин яшай олармидинг, келажагинг учун сен эмас, "буюк оғалар"нингтина бош қотириши, сен эса қорнинг тўйганидан хурсанд, меҳнатнинг тагидан чиқмай гул умрингни совурганинг ҳақиқат эмасмиди? Қиеслайлик, бугун киммиз? Мустақил давлат сифатида дунёга танилдик, минглаб ёшларимиз хорижда таҳсил олмоқда, давлат бошқарув тизимида юртим деган миллий кадрлар кўпаймоқда, ниҳоят, республика бойликлари ўз ҳоҳиш-иродамизга кўра истеъфода этилмоқда. Вақт одил ҳакам деганлари рост. сувлар тинаяпти, оқ-оққа, қора-қорага чиқяпти. Атиги уч йилдан бери тарих ғилдирагига басма-бас нафас ростлаб, қад тиклаб бораяпмиз. Келажак эса порлоқ бўлиши муқаррар! Аммо ҳали панапанада, Жириновский ва шунга ўхшаш бир тўда шовинист "доҳийча"лар қанчалик чиранмасин, камситмасин, асоссиз даъволар қилмасин, ўзбек халқининг азимияти, хоҳиш-иродаси, қудрати қаршисида шунчалик паст бўлиши муқаррар. Зотан биз ўзгалар олдида тиз чўкиш учун, қуллик кишанларидан озод бўлган қўлларимизни бошқа кишанларга тутиб бериш учун мустақил бўлмаганмиз! Ўз моддий ва маънавий бойликларимизни асраш, уни мамлакатимиз истиқболи йўлида ҳаржлаш, ривожланган мамлакатлар сафидан муносиб ўрин олиш учун мустақил бўлдик.

Ҳа, мустақил бўлдик ва шукрлар бўлсинки, қон тўкилмади. Аммо шу ватан, шу озодлик, шу тупроқ учун курашиб жон берганларнинг қони билан суғорилди сўнгги юз йилдан ошиқ тарихимиз. Мустақил давлат сифатида яшашимиз учун шу қисматнинг ўзи кифоя эмасми? Ҳа, мустақилликни қон тўкиб олмадик биз — бугунги авлод, у қон узра униб чиққан гул каби битди пешонамизга!

Фозил инсонниг ҳар нафаси ҳам сарҳисобдан иборат, дейдилар. Инсон-ку инсон, бутун бошли давлатнинг-да ўз сарҳисоби бўлмоғи, халқнинг келажаги олдида масъулият ҳис этмоғи бор. Мустақилликка эришган мамлакатнинг тараққиет йўли ҳар доим ҳам силлиқ кечмаган. Ютуқлар кўп, камчиликлар ҳам бор. Иқтисод, ташқи ва ички сиёсатда тажрибамиз аста-секин ортиб бормоқда. Ўзбекистон раҳбарияти хусусан, Президентимизнинг ўзбек халқининг миллий шуурига, яшаш тарзига, жўғрофий қўнимига мос тараққиёт йўлини танлаганининг ўзи бир олам қувончга татигулик.

Мағрурланажак неларга эришганимиз кўпчиликка аён. Энг асосийси, шу дунёнинг бир канорида Ўзбекистон деган юрт борлигини бутун дунё тан олди, эътироф этди. Ой-юлдузли байроғимиз нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо давлатлар байроқлари орасида ўз муносиб ўрнини эгаллади, улуғвор мадҳиямиз дунёнинг турли бурчакларида янгради ва янграмоқда. Ўзбекистонда йирик давлатларнинг элчихоналари, жумладан, мамлакатимизнинг чет элларда ҳам элчихоналари очилди. Бир заминда яшагандан сўнг ўзга давлатлар билан дўстона алоқалар ўрнатилмас экан, ривожланиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини яхши англаган Ўзбекистон Президенти мустақилликнинг илк кунлариданоқ хорижий давлатлар билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор берди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 1500 дан ошиқ қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Германиянинг озиқ-овқат, енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 9 та, Япониянинг 10 дан зиёд, Туркиянинг 80 га, Хитойнинг 70 га яқин фирмалари Ўзбекистон корхоналари билан иқтисодий ҳамкорлик қилмоқда. Бундан ташқари, Америка Қўшма Штатлари, Франция, Англия, Ҳиндистон, Корея, Миср каби юзлаб давлатларнинг Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилишга интилаётгани ташқи сиёсатимизнинг ютуқларидан далолат бермоқда. Албатта, булар Ўзбекистонни етук давлатлар қаторига олиб кириш борасидаги дастлабки ютуқларимиз. Халқаро нуфузи кун сайин ортиб бораётган Ўзбекистон том маънода янги уйғониш даврининг бўсағасида турибди. Кўплаб чет эл фирмаларининг Ўзбекистонда қўшма корхоналар очаётгани, хорижий сармоянинг мамлакатимизга кириб келаётгани, корхоналаримизда ишлаб чиқаришнинг изга тушаётгани бунинг ёрқин далилидир. Яқин келажакда Ўзбекистон дунёда Осиёнинг тўрт йўлбарси деб танилган ва тараққиётда Европа давлатлари билан рақобат қилаётган Жанубий Корея, Малайзия, Таиланд, Сингапур каби давлатлар қаторига қўшилади, деган умидимиз ва асосимиз бор. Чунки Ўзбекистоннинг илғор ва бадавлат мамлакатлардан бири бўлиши учун барча моддий-маънавий бойликлар мавжуд. Бу йўлда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлардан барчамиз воқифмиз. Германиянинг "Мерседес-бенц", "Сименс", Буюк Британиянинг "Мередит жонс групп", "Лонро", Жанубий Кореянинг "ДЭУ" каби ўндан зиёд хорижий фирмалар билан биргаликда қурилган қўшма корхоналар дастлабки маҳсулотларини бера бошлаяпти...

Бундай ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиш, кўриш қандай бахт!

Инсонда эртанги кунга умид бўлса, юксалишлар чўнг кечаверар экан. Ўзбекнинг орзулари эса кўнгли каби кенг, наинки юртига, ҳатто заминга сиғмайди орзулари... Шундай ҳокисор халқинг бор бўлсин, йўлинг халқингнинг хаелларидай ойдин бўлаверсин, мустақил Ўзбекистон, дегинг келади.

Жаҳонгир НАҲАНОВ,
ЎзА шарҳловчиси.



Бухоро вилояти Жондор туманидаги Тошқул Хотамов номли жамоа хўжалигида жойлашган Бухоро технологик мосламалар корхонаси филиалида асосан ип йигирув тўқув корхоналари учун технологик мосламалар ишлаб чиқарила бошланди. Шунингдек халқ истеъмоли молларидан: пластмассадан тарелка, вешилка, пиёла, шиша идишлар учун қопқоқлар ва полиэтилендан клиёнкалар тайёрланмоқда.

СУРАТДА: пластмасса цехининг илғор ишчиси Абзал Сандовни иш устида кўриб турибсиз. У кунлик иш режасини 1,5 баравар бажариб келмоқда.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

ПОЙДЕВОР ВА ТОМИ — ХЎЖАЛИКДАН

Сир эмас, кўп жойларда ер участкалари ажратилгани билан уй-жой қуриш осон кўчаётгани йўқ. Аммо Боёвут туманидаги "3-Боёвут" ширкатлар уюшмаси раиси Султон Раҳмонқуловнинг саъй-ҳаракати туфайли қурилиш ашёлари қиммат ва танқис бир шароитда шу йилнинг ўзида 300 та шахсий уй битадиган бўлди. Хўжалик, аввало, уйларнинг пойдеворини қуришга кўмаклашди. Бекободдаги пойдевор блоклари ишлаб чиқарадиган комбинат билан тузилган шартнома туфайли бир йўла 300 оиланинг мушкули осон бўлди. Шахсий уй соҳиблари учун эса иморатнинг гиштини тайёрлаш ва девор кўтариш юмушлари қолди, холос. Уйларнинг томи ҳам хўжалик ёрдами билан ёпилади.

А. ШЕРНАЗАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ҚАЛБАКИ ПУЛДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимлари республиканинг пул бозорини қалбаки долларлар ва Россия рубллари тўлдириб юборганини аниқладилар. Тошкент шаҳрида, Сурхондарё, Наманган, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида кўп миқдорда турли қийматдаги қалбаки АҚШ долларлари муомалага киритилган. Диққат билан қаралганда, нусха кўчирувчи техника воситасида тайёрланган қалбаки пулларнинг заиф томонлари — айрим белгиларнинг босилмай қолгани, бўёқлар сифатининг пастлиги, босма белгиларининг ёйилиб кетгани сингари аломатлар кўзга ташланади. Қалбаки Америка долларларидаги расмлар одатда заиф,хира ишланган бўлиб,уларда айрим деталлар кўзга ташланмайди, шунингдек, белгилар ёйилиб кетган бўлади.

Айни пайтда Марказий банк мутахассислари қалбаки пул тайёрловчи техника анча мукаммаллашгани туфайли сохта пулни аниқлаш қийинлигини таъкидлашмоқда. Ҳозирги пайтда пулнинг ҳақиқий эканлигини аниқлаш учун маълум кўникма ва катта қилиб кўрсатувчи асбоблар (лупа, микраскоп) зарур бўлади.

Республика ҳудудида ишлаб турган пул алмашув пунктлари турли қийматдаги пулларнинг ҳақиқийлигини аниқлай оладиган керакли жиҳозларга эга. Бу пунктларнинг жойлашган ўрни ҳақида шу йил 13 август куни "Халқ сўзи" — "Народное слово" республика газеталари саҳифасида маълумот берилган эди. Марказий банк республика фуқароларига эркин муомаладаги валютани сотиб олиш ва сотиш масалалари бўйича ана шу манзилларга мурожаат қилишни тавсия этади. Эркин муомаладаги валютани қўлдан сотиб олмоқчи бўлган фуқаролар товламачилик қурбони бўлиб қолишлари ҳеч гап эмас.

• *Шу кунниング муаммоси*

УМРИ БЕКОР ЎТАЁТГАН МАШИНАЛАР



РЕСПУБЛИКАМИЗДА ПАХТА ТЕРИШ АГРЕГАТЛАРИНИНГ ҚУДРАТЛИ ПАРКИ МАВЖУД ЭСА-ДА, НЕГА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИЛМАЯПТИ?

Пахта теримини машинасиз тасаввур этиш қийин. Лекин, афсуски, сўнгги йилларда ҳосил йиғим-теримини техника зиммасига юклаш йўлида дадил қадам ташланмаяпти.

Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, 1992 йилда умумий ҳосилнинг 41,3 фоизигина агрегатлар ёрдамида йиғиб олинди. Ўтган йили ялпи ҳосилнинг 2 миллион 352 минг тоннасини машиналарда териб олиш режалаштирилганди. Амалда эса 1 миллион 360 минг тоннадан сал зиёдроқ пахта териб олинди. Бу — етиштирилган жами ҳосилнинг атиги 32,2 фоизи бўлиб, мавжуд машинанинг ҳар бири ҳисобига 43,8 тоннадан пахта териб олинди, деган сўздир. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг бирортасида бу борадаги режа бажарилмади.

Хўш, нега шундай? Пахта териш агрегатларининг қудратли паркига эга бўлатуриб, йиғим-терим ишларини механизациялашда жиддий ўзгаришлар ясалмаётганлигининг туб сабаблари нимада?

Аввало шуни айтиш керакки, машина теримини кенг кўламда жорий этиш — пахтачиликни сердаромад соҳага айлантиришнинг муҳим шартидир. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозир мавжуд бўлган машиналар кучи билан ҳам ҳосилнинг кам деганда 55—60 фоизини йиғиштириб олиш мумкин.

Шу ўринда илғор хўжаликлар эришаётган ютуқларга тўхталиб ўтиш жоиздир. Масалан, Олот туманидаги "Олот" давлат хўжалиги, Ғузор туманидаги Улуғбек номли, Касби туманидаги Ҳамза Хўжақулов номли, Дўстлик туманидаги Қосим Раҳимов номли, Оқ олтин туманидаги Бобур номли ширкат уюшмаларида ва бошқа кўплаб меҳнат жамоаларида ҳар йили ҳосилнинг 70—80 фоизи, ҳатто ундан ҳам кўпроғи механизмлар ёрдамида териб олинмоқда. Бу хўжаликларда пахта барвақт, ёғинсочинли кунларга қолдирмай саранжомланмоқда. Чунончи, Олот туманидаги "Олот" давлат хўжалигида атиги етти иш кунида йиллик режа бажарилди. Бундай жамоаларда табиийки, ҳом ашё сифати юқори, таннархи эса арзон бўлаяпти. Натижада пахтадан келаётган даромад туфайли хўжалик иқтисоди мустаҳкамланмоқда. Шу боис улар ҳозир пахта йиғим-теримига тобора эътиборни кучайтиришмоқда.

Республикамизда ўз касбининг устаси ҳисобланган юзлаб механик-ҳайдовчилар борки, улар йиғим-теримни қисқа муддатларда ўтказиш мумкинлигини амалда исботламоқдалар. Буни ўтган мавсум мусобақасининг ғолиблари ҳам яққол кўрсатиб турибди. Бухоролик Рустам Маллаев, Баҳодир Қиличев, қашқадарёлик Ғулом Дўстов, Қодир Намозов, навоийлик Мансур Муқимов, Муртазо Дарбоев, андижонлик Отабек Қосимов, Акрамжон Аҳмадалиев, қорақалпоғистонлик Мурод Дўстжонов, Жангабой Йўлдошев, сурхондарёлик Нуриддин Шоймардонов, Сафар Жўраев, жиззахлик Мақсуд Саидов, Мухтор Ёқубов ва бошқалар агрегатлар қувватидан унумли фойдаланиб, 180—200 тоннадан пахта тердилар.

Терим техникасидан самарали фойдаланаётган туманлар ҳам бор. Уларнинг тажрибасини кўпчилкнинг мулкига айлантириш нақд бойликдир. Бунга Қашқадарё вилоятининг Баҳористон, Қарши, Косон, Қамаши, Китоб, Муборак, Нишон, Касби, Усмон Юсупов, Навоий вилоятининг Навбаҳор, Жиззах вилоятининг Зафаробод, Мирзачўл, Сурхондарё вилоятининг Музробод туманларини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу туманларда "зангори кема"лар нималарга қодир эканлиги об-ҳаво ниҳоятда мураккаб келган ўтган йилги мавсумда ҳам яна бир бор намойиш этилди.

Хўш, бундай механик-ҳайдовчилар, хўжаликлар, туманлар тажрибаси машиналардан ҳадеб нолийдиган, тадбиркорлик билан иш юритиш ўрнига турли баҳоналар қидирадиган, ўзларининг уқувсизликларини ниқоблашга уринаётган раҳбарларнинг сир-асрорини фош этмайдими?

Мана сизга ўжар далиллар. **Ўтган йили Андижон вилоятининг Асака, Шаҳрихон, Бухоро вилоятининг Ғиждувон, Навоий вилоятининг Қизилтепа, Наманган вилоятининг Косонсой, Уйчи, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Фарғона вилоятининг Бешариқ, Бағдод, Бувайда, Олтиариқ, Учкўприк, Хоразм вилоятининг Хазорасп, Хива туманларида машинада пахта териш режаси 10 фоизга ҳам етказилмади. Режани атиги 20—30 фоизга адо этган туманлар эса талайгина.** Инкор этмаймиз, юқоридаги ҳолатларнинг ўзига яраша асосли сабаблари бордир. Лекин машиналардан ёлчиб фойдаланмаслик далили барибир далиллигича қолади.

Яна ачинарлиси шундаки, машиналарнинг ҳар бири ҳисобига бор-йўғи 20—30 тоннадан пахта териб олаётган хўжаликлар республикамизда анчагина. Гап эгасини топади, деган нақлга амал қилиб биз ушбу хўжаликларни номма-ном келтириб ўтиришни ўзимизга эп кўрмадик.

Энди айтинг-чи, бундай фактлар республикамизнинг аксарият туманларида катта маблағга сотиб олинган техниканинг умри беҳуда ўтаётганини кўрсатмайдими?! Ахир ҳар бир терим агрегатининг давлат нархи фалон пул-ку! Қантариғлиқ юзлаб техникадан, ҳаракатсиз ётган катта маблағдан не фойда?!

Чамаси, бунга, аввало, эрта кўкламда машина теримини аниқ режалаштирмаслик сабаб бўлмоқда. Пахта экиладиган майдонлар текисланмаги, яхлитлаштирилмайди. Ғўзани калтабўғин қилиб ўстиришга эътибор суст.

Ғўза баргини қулай муддатларда тўктирмаслик ҳам асосий нуқсондир. Бир хўжаликда бу тадбир муддатидан эрта бошланиб, ғўза қуйдириб қўйилса, иккинчи бир хўжаликда кеч ўтказилиб, ҳосилнинг бир қисми бой берилади.

Тажриба шуни кўрсатяптики, қайси хўжалик ёки туманда ҳосил йиғим-теримига пишиқ-пухта ҳозирлик кўрилса, терим машиналари сифатли созланса, ўша жойда муваффақият таъминланади. Бироқ бир қатор хўжаликларда машиналарнинг 20—30 фоизи, айрим ҳолларда ундан ҳам кўпроғи дастлабки теримдан сўнг ишга яроқсиз бўлиб қолаяпти. Бу, биринчи навбатда, агрегатларнинг мавсумга кўнгилдагидек тайёрланмаганлигини кўрсатади.

Бу йилги тайёргарлик ҳам талаблар даражасида эмас. Айниқса, Самарқанд, Навоий, Андижон ва Бухоро вилоятлари хўжаликларида терим техникалари ниҳоятда суст созланмоқда. Шина, двигатель, гилза, поршен сингари қисмларнинг тақчиллиги ишни орқага сурмоқда.

Техника қанчалик кўп ва мукаммал бўлмасин, уни ўз касбининг устаси ҳисобланмиш механизатор бошқаргандагина кутилган натижани беради. Афсуски, бунга кўп жойларда жиддий эътибор қаратилмаётир. Теримда бевосита иштирок этаётган механизаторларни моддий ва маънавий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилмайди. Ваҳоланки, уларнинг меҳнатини тўғри баҳолаш, мавсумда оширилган иш ҳақи белгилаб, пулини ўз вақтида бериб бориш муҳим омилдир.

Биз "пахтачиликни механизациялаш масалалари билан шуғулланувчи олиму конструкторларга, ихтирочию машинасозларга ҳеч қандай эътироз йўқ", деган фикрдан мутлақо йироқмиз. Агар масаланинг шу жиҳати хусусида сўз юритадиган бўлсак, илм-фан ходимлари олдида пахтачилик учун жаҳон техникавий даражасига мувофиқ келадиган мукаммал машиналар туркумини, ғўзанинг эрта ҳосилга кирадиган, касалликларга чидамли навларини яратиб беришдек, ғоят муҳим ва шарафли вазифалар турибди. Юртбошимиз Ўзбекистон Фанлар академияси умумий йиғилишида сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаб ўтганидек, деҳқончилик ва умуман ишлаб чиқаришни фан негизида, айниқса, назарий, фундаментал фан асосида қайта қуроллантирмас эканмиз, мамлакат тараққиётини тезлаштиришимиз амри маҳол. Шу нуқтаи назардан қараганда қишлоққа турли техника етказиб беришга даъват этилган саноатчилар фаолиятига ҳам жиддий эътирозлар билдириш ўринлидир. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида ҳақли равишда танқид қилинганидек, машинасозлик саноати корхоналари энг асосий агрегатлар, жумладан пахта териш машиналарини ишлаб чиқаришни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 58,3 фоиз камайтириб юборди.

Тўғри, бунинг сабаблари кўп. Ҳамдўстлик мамлакатларидан хомашё келтириш қийин бўлаётгани, хўжалик алоқаларининг узилиши ана шулар жумласидандир. Лекин юртбошимиз ўринли эътироз билдирганидек, бугунги кунда нуқул ана шу сабабларни рўкач қилавериш корхона раҳбарларига яраш-шармикан? Ахир Ҳамдўстлик мамлакатлари билан алоқалар узилганига уч-тўрт йилдан ошди-ку! Нима, энди қўл қовуштириб ўтираверишми, "олма пиш — оғзимизга туш" қабилида иш тутиш керакми?! Шуни унутмаслик зарурки, боқимандалик кайфиятида бўлганлар ўз-ўзидан бозор йўлидан четга чиқиб қолаверади.

Лекин бугунги мушоҳадамиз, асосан, катта маблағлар эвазига сотиб олинган ва умри бекорга ўтаётган, занглаб, ҳисобдан чиқиб қолаётган машиналар ҳақида бормоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашларига қараганда терим машиналаридан кам деганда етти йил самарали фойдаланиш, ҳар бири билан мавсумда 60 тоннадан ошириб пахта териш талаб этилади. Агар мавсумда 60 тоннадан кам терилса, машинанинг фойдали коэффициенти йўқолиб қўл терими ҳаражатларига яқинлашиб қолар экан.

Энди ўзингиз ҳисоблаб чиқинг. Машина теримини ҳар йили барбод этаётган, ҳар бир агрегат билан аранг 30—40 тоннадан пахта териб олаётган хўжаликлар қандай иқтисодий фойда кўриши мумкин? Боз устига, мавсумда пахтазор юзини кўрмаётган машиналар оз дейсизми?

Иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашаётган, хўжаликлар ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш асосида фаолият кўрсатишга ўтилаётган ҳозирги шароитда машиналар қувватидан оқилона фойдаланиш масаласи, айниқса, муҳимдир. Эндиликда хўжаликка нечта терим техникаси борлигига қараб эмас, унинг ҳар бири билан мавсумда қанчадан пахта териб олинаётганлигига, маҳсулот сифати ва таннархига қараб баҳо бериш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигида маълум қилишларича, бу йилги мавсумда 26 минг 562 та машина теримда иштирок этиши мўлжалланаётган экан. Бу катта куч! Уларнинг ҳар бири билан ўртача 80 тоннадан пахта териб олинган тақдирда ҳам етиштирилган ялпи ҳосилнинг 2 миллион 200 минг тоннадан зиёдроғи саранжомланган бўлади. Бу — хомашё барвақт, сифатли қилиб йиғиб олинди, таннархи арзонга тушди, дегани.

Шундай экан, ҳар бир туман, хўжалик раҳбар ва мутахассислари яқинлашиб келаётган йиғим-терим мавсумига мавжуд имкониятларнинг ҳаммасини сафарбар этмоқлари, терим тадбирларини олдиндан пишиқ-пухта белгиламоқлари, хўжаликда нечта пахта териш машинаси бор, улар созми, ҳар бирида неча тоннадан хомашё териб олиш мумкин, механизаторлар шайми, қўл теримида қатнашадиганлар қанча, уларнинг кучи билан қанча хирмон уйса бўлади — буларнинг барчасини аниқ ҳисоб-китоб қилмоқлари зарур.

...Масъулиятли мавсум — пахта терими бошланди. Умидимиз шуки, долзарб дамларнинг зарбдор кучи — терим машиналари нималарга қодирлиги бу гал тўла исботланади. Истиқлол йўлидан бораётган мустақил Ўзбекистонимизнинг бу йилги юксак "оқ олтин" хирмони тез ва соз бунёд этилади.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ,
"Халқ сўзи"нинг жамоатчи мухбири.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ҲАРБИЙ ҚЎШИНЛАР СОНИ ҚИСҚАРТИРИЛМОҚДА

Буюк Британия ҳукумати ҳарбий қўшинлар сонини қисқартирмоқда.

Жорий йилнинг 1 июлига қадар ўтган бир йил давомида ҳарбийлар сони 7 фоизга камайди. Бу тадбир ҳукуматнинг армияни босқичма-босқич қисқартиришга мўлжалланган кўп йиллик дастурига асосан амалга ошириляпти.

МАЖБУРИЙ ХИЗМАТ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Аргентина Республикаси Президенти Карлос Менем мамлакатда мажбурий ҳарбий хизмат бекор қилингани ҳақидаги декретга имзо чекди.

Энди республика қуролли кучлари сафига фақат кўнгиллилар чақирилади. Шу йилнинг 6 апрелида еш ҳарбий хизматчи Омар Карраско "кекса" аскарлар томонидан ўлдирилганидан сўнг армиядаги тартибсизликлар ошкор этилди ва ҳукумат мазкур ислоҳотни амалга оширишга мажбур бўлди. Айни пайтда мамлакат парламенти елланма армия тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилмоқда.

ИШБИЛАРМОНЛАР ТАШРИФИ

Россия Федерациясининг Бурятия Республикасига Жанубий Кореялик ишбилармонлар ташриф буюрди.

Улар Республика Президенти Леонид Потапов билан учрашди. Музокараларда ўзаро иқтисодий алоқалар, жумладан, ўрмон саноати ва сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

ХИТОЙ МАФИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШ

Япония пойтахтидаги ресторанлар ва тунги емакхоналар шу кунларда полициячилар билан тўлиб-тошган. Чунки, Токио полициячилари Хитой мафиясига қарши жиддий курашга киришди.

Тартибни сақлаш маҳкамасининг хабарига кўра, Хитой миллатига мансуб уюшган жиноятчилар шафқатсизлиги ва арзимаган сабаб баҳонасида қотилликка қўл уриши билан маҳаллий мафиячилардан кескин ажралиб туради.

БМТ ДУШАНБЕГА МАХСУС ЭЛЧИ ЖЎНАТДИ

БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий махсус элчиси Рамиро Пирис-Баллонни Тожикистонга жўнатди.

Элчи Душанбе ҳукумати билан бу ҳудудда тинчликни барқарорлаштириш масалалари бўйича музокаралар олиб боради. Бутрос Ғолий Нью-Йоркда Тожикистондаги вазиятга доир муҳокамалардан сўнг шу қарорга келди. Муҳокамаларда Россия, Ўзбекистон, Эрон, Покистон ва Афғонистон Республикаларининг БМТ қошидаги дипломатик ваколатхона раҳбарлари иштирок этди.

БИР ТРИЛЛИОН ДОЛЛАР МАБЛАҒ ҲАРБИЙ ХАРАЖАТЛАРГА САРФЛАНГАН

Араб давлатларининг 1970—1990 йиллар мобайнида қуролланишга ва бошқа ҳарбий эҳтиёжларга сарфлаган маблағи бир триллион долларга етди, дейилади Бирлашган Араб Амирликлари матбуотида эълон этилган махсус баёнотда.

Бу рақамларни қуролли тўқнашувларга сабаб бўлган минтақавий келишмовчиликлар ҳамда 1973 йилги араб-исроил уруши билан изоҳлаш мумкин.

ТУРКИЯ ҲАМ СУНЪИЙ АЛОҚА ЙЎЛДОШИГА ЭГА БЎЛДИ

Туркия сунъий алоқа йўлдошига эга ўн олтинчи давлат бўлди.

Француз гвианасига қарашли Куру космодромидан 1779 килограммлик "Турксат-1Б" йўлдошнинг муваффақиятли учирилиши Туркия учун тарихий воқеага айланди. Сунъий йўлдошнинг ишга тушиши муносабати билан Туркия алоқа тизимининг янада кенгайиши ҳамда мукаммаллашишига умид билдирилмоқда.

КАТТА ҚУРИЛИШ ОЛДИДАН КЕНГАШ

"Туркманистон-Эрон-Туркия-Европа" газ қувурининг қурилиши 1995 йилнинг май ойида бошланадиган бўлди.

Туркманистон газ ва нефтини жаҳон бозорига олиб чиқиш масалалари бўйича тузилган давлатлараро кенгашнинг Теҳронда бўлиб ўтган йиғилишида ана шу муддат белгиланди.

Туркманистон, Эрон, Туркия, Россия ҳамда Қозоғистоннинг тегишли вазирликлари ўртасидаги келишувга асосан лойиҳа ишлари шу йилнинг октябрь ойида бошланиши, 1 ноябрга қадар эса лойиҳани техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш бўйича битимлар имзоланиши кўзда тутилмоқда.

ЧИНГИЗХОН ҚАБРИНИ ИЗЛАБ...

Улкан хазинаси билан кўмилган мўғул императори Чингизхоннинг қабрини қидирувчилар сони яна ортмоқда.

Қидирув ишлари учун Мўғулистон ҳукуматидан изн олган чикаголик Мэри Кравиц, Чингизхон қабри Улан-Баторнинг шарқидаги Халдур Буркан тоғида жойлашганини, бироқ бу маълумотнинг етарсиз ва ноаниқ эканини айтди.

Мўғулистон ҳукумати ва Кравиц ўртасидаги шартномага кўра, Чингизхон қабридан олинган хазинанинг катта қисми Мўғулистонда қолиши лозим.

КИТОБ КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ

Мустақиллигимизнинг уч йиллиги муносабати билан Алишер Навоий номидаги Республика Давлат кутубхонаси қошида Маданият ишлари вазирлиги, чет эл элчихоналари ва бошқа турли кутубхоналар иштирокида китобграсм кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазмада, асосан, кутубхона фонди китоблари намойиш этилади. Унда юртбошимизнинг давлатимиз тараққиёт йўлининг асосий йўналишлари, ички ва ташқи сиёсат ҳамда иқтисодий ривожланиш йўлларини акс эттирувчи асарлари ёритилган.

— Кўргазмадан истиқлолимиз тарихига доир асарлар ҳам ўрин олган,— дейди кутубхона раҳбари Рустам Алимов,— 1901 йилда Тошкентда босилган Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Алишер Навоийнинг "Хамса" асарлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари китобхонлар Д. Логофет, А. Добросмислов, Б. Засипкин, И. Гейер, В. Бартольд, Н. Лукошин, Н. Остроумов каби таниқли муаллифларнинг ўлкамиз тарихи ҳақидаги асарлари билан ҳам танишишлари мумкин.

Лобар ҚЎЧҚОРОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

"НУР ЭФШАН" хорижий корхонаси шуни маълум қиладики, у 1994 йил 16 августдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан И-86 реестр рақами остида рўйхатга олинди ҳамда корхона Ўзбекистон ҳудудида хорижий юридик шахс ва фуқаролар томонидан тузиладиган шўъба корхоналар давлат реестрида қайд этилган.

Корхона Ўзбекистон қонунларига кўра юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширади.

Корхонанинг манзили: Тошкент шаҳри 700064, Педагогическая кўчаси, 103-уй.

• *Ишлашни истаган имконият излайди*

МУНЧОҚТЕПА БАЛИҒИДАН ТОТМАБСИЗ...

ОҲАНГАРОН шаҳрига туташ Мунчоқтепа ёнидаги 15 гектар сайҳонликда бир вақтлар шаҳар "Сув-оқова" ташкилоти аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида саккизта йирик ҳовуз қурган эди.

Кейинчалик Шовазсой яқинида шундай янги ҳовузлар ишга туширилиши муносабати билан Мунчоқтепадаги эски ҳовузлар ташландиқ ҳолида қолиб кетди. Аммо оҳангаронлик тадбиркор йигит, шаҳар мева-сабзавот тайёрлаш бошқармасининг бошлиғи Абдуназар Муҳамедов қишлоқ йигитлари Абдуғани Маматқулов, Файзулла Иброҳимов ва Убайдулла Ўрозов билан маслаҳатлашиб, эски ҳовузларда балиқ урчитишга киришди. Тўрт азамат йигитнинг саъй-ҳаракатлари билан ва ўз сармоялари ҳисобига ҳовузлар қайта таъмирланди, сув йўллари тартибга келтирилди. Ҳамма тайёргарлик ишлари поёнига етгандан сўнг ихтиолог-олимларнинг тавсияларини ҳам олиб, Тошкент вилоятидаги "Балиқчи" ҳиссадорлик жамияти билан алоқа боғладилар. У ердан турли зот балиқларнинг уруғлари келтириб, парвариш қилинди. Балиқчи йигитлар озуқаларни ҳам ўз сармояларига олдилар.

— Боқимандалик даври ўтди, ишлайман, бойийман, элни ҳам тўйдираман деган одамга энди ҳамма йўллар очиқ,— дейди Абдуназар Муҳамедов.— Биз ҳам шу эркинлик шарофати билан 1992 йили балиқчилик фермер жамоа хўжалигини тузишга астойдил киришгандик. Мана, ишларимиз юришиб кетди. Бироқ биринчи йили қиш кунлари жуда қийналдик. Қишнинг ҳаддан ташқари совуқ келиши натижасида ҳовузлар тез-тез музлаб қолар, йигитларимиз кечалари ҳам навбатчилик қилишиб, музларни еришар, турли бурчаклардан тешиклар очишиб, ўша ердан балиқларни озуқлантиришарди. Қилган меҳнатимиз зое кетмади. Ўтган йилнинг ўзида оҳангаронликларга 6,5 тоннадан кўпроқ тангали балиқ етказиб бердик.

Дарҳақиқат 1993 йилнинг август-сентябрь ойларидан бошлаб Оҳангарон дўконларида семиз ва хуштаъм балиқлар савдога чиқарила бошлангани ҳаммани хушнуд этганди. Гўшт тақчил ва анча қиммат бўлаётган бир пайтда арзонгина балиқларнинг савдога чиқарилиши одамларнинг кундалик корига яраб қолди. Айни пайтда балиқчи йигитлар ҳам енларидан сарфлаган сармояларига яраша даромад ола бошладилар.

Балиқчилар жамоаси хўжаликни янада кенгайтириш ва маҳсулот етиштиришни кўпайтириш мақсадида Дамачидаги балиқчилик хўжалиги билан алоқа боғлаб, улардан уруғ олиб келдилар. Қиш ва кўкламда яна ўз ҳисобларидан озуқа сарфлашиб, балиқларни кўпайтириш чораларини изладилар. Мана энди зангори ҳавзаларда балиқ сероб. Айримлари уч-тўрт кило тош босади. Фермер йигитлар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллик байрами арафасида яна Оҳангарон савдо дўконларига арзон балиқ чиқардилар.

— Ўзимиз белгилаган режага асосан байрам арафасида шаҳримиз меҳнаткашлари учун 16 тоннадан кўпроқ балиқ етказиб бердик,— деди йигитлардан бири Абдуғани Маматқулов.— Ҳовузларимизда ҳали балиқ кўп. Йил охиригача яна беш-олти тонна балиқ етиштириш имконига эгамиз.

Биз хўжаликда бўлганимизда балиқчи йигитлар яна бир қувончли воқеани айтиб беришди. Маълум бўлишича, улар энди балиқ уруғларини шу ердаги ҳовузларнинг ўзида урчитишга киришганлар. Бунинг учун маълум миқдорда урғочи ва улардан икки баробар кўп эркак балиқ келтирилиб, махсус ҳовузларда урчитилмоқда. Йигитларнинг гапига қараганда, келгуси йили ўттиз, кейинчалик қирқ-эллик тоннадан балиқ етиштириш мумкин экан.

— Ишларимиз чакки эмас-у, аммо айрим кишилар ҳовузларимиз ёнидаги электр чироқларини олиб ташлашга уринмоқдалар, балиқлар учун озуқа сифатида эккан беда ларимизнинг қақраб қолишига сабабчи бўлмоқдалар,— дейди Абдуназар Муҳамедов.

Дарҳақиқат, шаҳар "Сув-оқова" ташкилотининг раҳбари Дамир Таюпов бир вақтлар ўзлари ташлаб кетган ҳовузларда балиқчиликнинг ривожланганини кўриб, энди йигитлардан ҳовузлар учун ҳақ талаб қилмоқда. Ваҳоланки, Оҳангарон шаҳар ҳокими 15 гектарга яқин бу ерни балиқчилик хўжалигига бериш тўғрисида махсус қарор чиқарган. Аммо "Сув-оқова" ташкилоти раҳбарининг бу қарорни тан олгиси келмаётир. Яна бир муаммо балиқчи йигитларни ҳаддан ташқари қийнамоқда. Хўжаликнинг ёнгинасида фермер Илҳом Аҳмедовнинг моллари бор. Кўпинча қаровсиз қоладиган моллар ҳовузларга тушиб ифлослантиришади. Ҳовузлар атрофи ва ариқ ёқаларига балиқчи йигитлар эккан 3,5 минг тупдан ортиқ терак, 100 туп мевали дарахтлар ва балиқлар учун озуқа сифатида экилган анчагина экинзорларни пайҳон қилган. Шаҳар электр тармоғи раҳбарлари ҳам балиқчилар ишини қийинлаштирмоқда. Улар турли баҳоналар билан хўжаликдаги электр чироқлари симларини узиб ташлаганлар.

Мунчоқтепада яхши ташаббус бошланганидан шаҳар маъмурияти хабардор. Ҳатто айрим йиғилишларда уларнинг ишларини мақташади. Аммо нимагадир шаҳар мутасаддиларининг "Сув-оқова" ташкилоти, Илҳом Аҳмедовнинг фермерлик хўжалиги ва шаҳар электр тармоқлари раҳбариятига лом-мим демай келаётганлиги кишини ажаблантиради. Ҳолбуки, балиқчи йигитлар улар келтирган зарарлар тўғрисида тегишли ҳужжатлар билан шаҳар маъмуриятига бир неча марта мурожаат қилишган. Бизнингча, Оҳангароннинг Мунчоқтепа қишлоғидаги балиқчи йигитлар ташаббуси ҳар томонлама рағбатлантиришга лойиқ. Чунки улар бу ишни давлатдан ёки шаҳар ташкилотларидан ҳақ талаб қилмай, ўз сарф-харажатлари билан бажариб, аҳоли эҳтиёжини озми-кўпми қондиришмоқда. Шаҳар ҳокимлиги Абдуназар Муҳамедов бошчилигидаги балиқчиларни ноҳақ ҳужумлардан ҳимоя этса ёмон бўлмасди.

Мўмин ҚАЮМ,
"Халқ сўзи"нинг жамоатчи мухбири.

ШАХСИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА !

Мана куз келиб, қиш ҳам яқинлашаяпти. Эҳтимол, Сиз яхши ниятлар билан қураётган иморатингизнинг томига шифер топа олмай қийналаётгандирсиз.

Ундай бўлса шошилинг, "Оҳангароншифер" ижара корхонаси Сизга ажойиб қулайлик яратади.

Сентябрь-октябрь ойларида корхона аҳолига ҳафтанинг шанба, якшанба кунларидан ташқари нақд пулга шифер сотади.

Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, "Оҳангароншифер" ижара корхонаси.
Мурожаат учун телефонлар: *5-74-40, 5-74-60, 5-78-92.*
Оҳангарон шаҳри коди : *8-264.*

Ўзбекистон Алоқа вазирлиги "Ўзташқиалоқатаъминот" корхонаси "Ўзташқиалоқатаъминот" ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди ва у вазирлик алоқа корхоналарини ташқи мамлакат маҳсулотлари билан таъминлаш корхонасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Ўзбек хореография билим юрти ўғил болалар учун қўшимча қабул эълон қилади. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. "Мумтоз рақс" бўлимига 10-11 ёшдаги ўғил болалар (3 синфни битиргандан кейин) ва "ансамбл артисти" бўлимига 14-15 ёшдаги 7 синфни ўзбек тилида битирган ўғил болалар қабул қилинади.

Биринчи марта пуллик гуруҳларга қабул эълон қилинади.

Маълумот учун телефонлар: 56-33-27, 56-24-36.

Манзилгоҳ: Юсуф хос Хожиб кўчаси, 31-уй (аввалги "Педагогическая" кўчаси).

• "Ўзбекистон мустақиллиги кубоги"

БОШ СОВРИН ТОШКЕНТДА ҚОЛДИ

Европада анъанавий тус олаётган футбол блец-турнири Осиё қитъасида биринчи марта юртимиз пойтахти Тошкентда ўтказилди. Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу турнир мамлакатимизда давом этаётган байрам тантаналарига уланиб кетди. Шу куни "Пахтакор" марказий ўйингоҳига ташриф буюрган ўн минглаб томошабинлар ва эртаси куни ойнаи-жаҳон қаршисида ўтирган миллионлаб мухлислар ажойиб футбол-шоунинг гувоҳи бўлдилар.

Шуни аввалдан таъкидлаб айтиш жоизки, турнир ташкилотчилари унга катта тайёргарлик кўришди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан "Ўзбекистон мустақиллиги кубоги" учун ўтказилган турнир ҳар томонлама футбол ихлосмандлари ёдида узоқ вақт сақланиб қоладиган даражада уюштирилди.

Турнир олдидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, мамлакат Футбол федерациясининг президенти Абдулҳошим Муталов Қибрай спорт мажмуида Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳамда "Нефтчи" клуби ўйинчилари ва раҳбарлари билан учрашди. У футболчиларнинг кайфияти ва турнирга қай даражада тайёргарликлари билан қизиқди. Замонавий футбол ва ушбу турнирнинг аҳамияти тўғрисида гапирди. Футбол мамлакатимизда олиб борилаётган "Соғлом авлод учун" кураш сиёсатининг ажралмас бир бўлаги эканлигини таъкидлаб ўтди. Ушбу спорт ортида минглаб кишиларнинг соғлом турмуш тарзи, саломатлиги мужассам. Шунинг учун ҳам футболчиларимиз бу борада намуна кўрсатиб, ўзларининг халқаро турнирлардаги ажойиб ютуқлари билан "Соғлом авлод учун" кураш сиёсатининг бош ташвиқотчилари бўлиши кераклигини уқтирди.

Учрашув пайтида хорижий футболчиларимиз Миржалол Қосимов (Россия), Азамат Абдураимов (Малайзия), Геннадий Денисов (Россия) сўзга чиқиб, республикамизда футболга эътибор аввалги йилларга нисбатан кескин ўзгарганлигини, яратилган шарт-шароитлар жуда яхши эканлигини айтишди. "Нефтчи" жамоасининг сардори Сергей Завальнюк "Ўзбекистон мустақиллиги кубоги" учун турнирга мухлислар катта қизиқиш билан қарашаётганини инобатга олиб, футболчиларимиз бош совриннинг Ўзбекистонда қолиши учун ҳаракат қилиши лозимлигини таъкидлади. Бунинг учун "Нефтчи"да ҳам, Ўзбекистон терма жамоасида ҳам имкон етарли, деди. Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлиб чиқди. Турнирда қатнашган ҳар икки жамоамиз Европа жамоалари билан ҳайиқмай баҳслаша олишини исботлашди.

Аввало, турнирнинг очилиши ҳақида. Дастлаб, спорт марши остида майдонга байроқдорлар чиқиб келишди ва турли хил ажойиб шакллар ясашди. Сўнг спорт мактаблари тарбияланувчилари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Турли хил болалар ансамбларининг чиқишлари ҳам томошабинларга хуш кайфият улашди. Футбол баҳслари олдидан ва танаффус пайтлари Достон Убайдуллаев, Маъмура Курбонова, Нуриддин Ҳайдаров, Козим Қаюмов, Юлдуз Усмонова каби республикамизга таниқли қўшиқ ўсталари ва "Оқсарой", "Ялла" каби эстрада ансамбларининг чиқишлари турнирга янада файз қўшди.

"Ўзбекистон мустақиллиги кубоги" турнирининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, мамлакат Футбол федерацияси президенти А. Муталов ва Голландиянинг АЕС фирмаси президенти К. Аалберс мухлисларни футбол-шоуси билан табриклашди.

Турнирнинг биринчи учрашуви Голландиянинг бизга яхши таниш бўлган клуби "Витесс" ҳамда мамлакатимиз миллий терма жамоаси ўртасида ўтказилди. Дастлабки дақиқаларда меҳмонлар бироз устунлик қилишди. Айниқса Раймонд ван дер Гоу ва Филип Кокюнинг зарб билан тепган тўплари Шейкин қўриқлаётган дарвоза устунининг ёнгинасидан ўтиб кетиши футболчилар қолиб, мухлисларни ҳам анча ҳаяжонга солиб қўйди. Айни шу дақиқаларда Қосимов ва Абдураимов ташаббусни ўз қўлларига олиб, иложи борича тўпни рақибларига олдириб қўймаслиққа ҳаракат қилишлари ўз самарасини берди. Натижада ўйин суръати тенглашди.

22-дақиқада Тиллаев ўрнига Маъруфалиевнинг майдонга чиқиши жамоамизнинг ўнг қанот бўйлаб ҳужумларининг шиддатли кечишига олиб келди. "Витесс" жамоасининг жарима майдончасида кетма-кет хавфли вазиятлар юзага кела бошлади.

Шундай ҳужумларнинг бирида меҳмонлар Шуҳрат Мақсудовни туртиб йиқитишдан бошқа илож топишмади. 11 метрлик жаримани Шуҳратнинг ўзи аниқ амалга ошириб, ҳисобни очди. Бундан бироз хотиржамликка берилишган ўйинчиларимиз учрашувнинг энг сўнгги лаҳзасида ўз дарвозалари даҳлсизлигини сақлаб қолишолмади. Филип Кокю ҳисобни тенглаштирди ва бош ҳакамнинг ўйин тугагани ҳақидаги ҳуштаги янгради.

Ўн бир метрлик жарималарни амалга ошириш бўйича омад терма жамоамизга кулиб боқди. Аниқроғи, дарвозабон Шейкин икки марта тўпни қайтариб, маҳорат кўрсатди.

Пенальтиларни терма жамоамиздан А. Абдураимов, М. Қосимов, Ш. Мақсудов, И. Шарипов аниқ амалга оширишди. "Витесс"дан Г. Жильхаус, Ф. Кокю пенальтидан тўп киритди. К. ван дер Верден, Р. ван дер Гоу зарбаларини Шейкин қайтаришга муваффақ бўлди.

Мамлакатимизнинг икки марта чемпиони "Нефтчи" ва Голландиянинг "Нек" клублари ўртасидаги ўйин суръати биринчи учрашувдагига нисбатан юқори бўлди. Бунга "Нефтчи"нинг 2-дақиқадаёқ рақиб дарвозасини ишғол қилиши сабаб бўлди, десак хато қилмаймиз. Тўпни С. Лебедев жаримадан киритди. Орадан беш дақиқа ўтмай меҳмонларнинг ярим ҳимоячиси Круден ҳисобни тенглаштирди. Шундан сўнг "Нефтчи" ўйинда тўла устунликка эришди. 17-дақиқада ўнг қанот бўйлаб Бозоровнинг рақиблар жарима майдончасига ёриб кириши гол билан якунланди. Бозоров узатган тўпни Р. Дўрмонов осонгина бўш дарвозага йўллади. Мухлислар финалда "Нефтчи" ва Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўйнаса керак, дея таҳмин қилиб туришган бир пайтда "Нек" ҳисобни тенглаштирди. Натижада 11 метрлик жарима бўйича ғолибни аниқлашга тўғри келди. Унда омад меҳмонларга (4:2) кулиб боқди.

Шундай қилиб финалда мамлакатимиз миллий терма жамоаси ва "Нек" учрашди. Ўзбекистон миллий терма жамоасининг биринчи ўйинида тарқоқлик кўзга ташланиб турган бўлса, финалда анча уюшқоқ ўйин кўрсатишди. Учрашув тақдирини 13-дақиқада Миржалол Қосимовнинг "жонли девор" ошириб киритган тўпи ҳал қилди. Шундай қилиб, "Ўзбекистон мустақиллиги кубоги" юртимизда қолди.

Турнирнинг ёпилиш маросимида мусобақанинг барча қатнашчиларига эсталик совринлари топширилди. М. Қосимов турнирнинг энг яхши футболчиси деб топилди ва махсус кубок билан тақдирланди.

Шунингдек, турнирнинг ёпилиш тантаналарида Голландиянинг АЕС фирмаси мамлакатимизнинг "Соғлом авлод учун" ва болалар жамғармасига 100 000 доллар ўтказганлиги маълум қилиниб, уни фирма президенти жаноб К. Аалберс топширди.

Расул ЖУМАЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.

ЎзА тасвири.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Сешанба, 6

ЎзТВ I

6.30 – 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 "Бу шунақа ўйин". Бадиий фильм.
10.05 "Яхшидан боғ қолади". Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 "Кафолат".
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 "Созимда севги васфи". Мусиқий дастур.
12.30 – 13.10 "Буюк мақсад йўлида".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Теримга шаймисиз?".
18.25 "Беллашув". Телевизион киножурнал премьераси.
18.35 "Санъат олами".
19.05 "Бахтиёр". Фильм-концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Абдулла Қодирий мукофотига номзодлар. Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг "Искандар" спектакли.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Инсон ва қонун".
22.10 "Меҳрибонлик". Бадиий фильм.
23.20 Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги. Финал. "Нефтчи" – "Янгиер".
00.50 – 01.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 "Мультфейерверк".
20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
21.00 "Видеогид".
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
22.00 – 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
18.00 — 23.30
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

•

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 – 8.00 "Тонг".

***

18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Мавзу".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Илк манбадан".
20.40 Спорт шарҳи.
21.10 – 23.55 Ғалабанинг 50 йиллигига. "Тирикларни чорламан..." "Бориб кўр". Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар ("Беларусьфильм", "Мосфильм").

Чоршанба, 7

ЎзТВ I

6.30 – 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 "Белгиланган курсдан бораяпман". Бадиий фильм.
9.55 "Ўзбекистон – гуллаган боғ", "Айём нафаси". Телефильмлар.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик.
11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.15 Лотин алифбоси.
11.35 "Ёшлар ва замон".
12.10 Мирсодиқ Тожиев. "14-симфония".
12.45 – 14.10 "Марду майдон". Наманган вилояти.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Гулғунчалар". Болалар учун концерт.
18.40 "Шеърий дақиқалар". Асқад Мухтор.
18.55 "Таълим ва ислоҳот".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Спорт хабарномаси.
20.00 "Ўзбекона лутф". Адабий кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
22.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Политотдел" – "Пахтакор".
23.20 – 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"Тошкент" студияси таништиради:

19.50 "Етти нота мамлакати".
20.20 "Спринт".
20.45 "Мусиқий меҳмонхона".
21.45 "Фильмлар ва тақдирлар". Кинодастур.
22.30 – 24.00 "Қўрқувнинг давоси". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
18.00 — 23.30
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

•

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 – 8.00 "Тонг".

***

18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "СБ" жумбоғи".
19.10 Пушкин мавзуларида фантазиялар.
19.50 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Монолог".
20.40 "Орзу трамвайи".
21.30 "Паузасиз".
22.00 – 22.50 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Россия – Германия терма командалари. 2-тайм.

Пайшанба, 8

ЎзТВ I

6.30 – 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 "Сиздан угина, биздан бугина". Бадиий фильм.
9.55 "Енғиндан сақланинг!".
10.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё.
11.00 "Қизил Ярим Ой шуъласи".
11.30 Инглиз тили.
12.00 "Уорлднет" телекомпания-сининг янгиликлари (АҚШ).
12.15 "Бола бошидан". Мактабгача тарбия масалалари.
12.45 Ўзбек куйларидан концерт.
13.15 – 14.05 "Азиз сиймолар". Кинодастур.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кашф этилаетган имкониятлар".
18.30 Диққат: премьера! "Дони Зокиров". "Ўзбектелефильм".
19.00 "Сиҳат-саломатлик".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Кенгашганга кенг дунё".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Пахтазорга оқшом қўнганда...".
22.50 "Бир тўқнашув ҳақида икки хил тахмин". Бадиий фильм.
00.20 – 00.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 "Омад" тақвими.
20.00 "Жозиба".
20.20 "Бир шингил ҳангома".
20.30 "Зиндаги ёҳуд муҳаббат".
20.50 Видео янгиликлари.
21.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
22.00 – 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
18.00 — 23.30
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

•

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 – 8.00 "Тонг".

***

18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Йўқотилганларни излаб". Кўрсатувни Г. Скороходов олиб боради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Москва – Кремль".
20.55 – 22.55 "Тергов". Бадиий фильм (Италия).

Жума, 9

ЎзТВ I

6.30 – 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 "Кечмишларнинг ҳикояси бу". Бадиий фильм.
10.05 "Зебо, Зиеда ўйнар". Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
11.00 Дутор ва танбур тароналари.
11.30 Немис тили.
11.50 – 14.20 "Ёшлик" студияси. "Шижоат".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Болалар меҳмонхонаси".
18.35 "Пул қадри".
18.55 "Шукрулло". "Ўзбектеле-фильм".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Бевосита мулоқот.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Гулшан диёрим". Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
22.05 "Севги сароблари". Бадиий фильм.
23.35 – 24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"Тошкент" студияси таништиради:

19.50 "Излаган имкон топади".
20.20 "Мўъжизалар оламида".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "Тараддуд". Спорт кўрсатуви.
21.45 "Тошкентнома".
22.45 – 00.10 "Эркакли уй". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
18.00 — 23.30
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

•

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 – 8.00 "Тонг".

***

17.45 "Инсон ва қонун".
18.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.50 "Мўъжизалар майдони".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".
20.50 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 1-серия.
21.50 "Матбуот-экспресс".
22.05 – 22.55 "Взгляд" А. Любимов билан.

Шанба, 10

ЎзТВ I

6.30 – 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 "Оққўнгил кишилар". Бадиий фильм.
9.50 "Барҳаёт наволар". Тўхтасин Жалилов.
11.10 "Ҳужжатли экран". Кинокўрсатув.
11.50 ЎзТВ фондидан. Телевизион театр. Зие Саид. "Тўралик сиртмоғи".
12.40 "Ёшлик" студияси. "Истеъдод".
13.40 – 14.30 "Сирли сандиқ". Телеўйин.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Қўшиғим, жон қўшиғим".
18.50 "Ёшлик" студияси. "Садо".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Янграсин шўх яллалар". Мусиқий дастур.
20.25 "Ҳилол" студияси. "Бор барака".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Тандир операцияси". Видеофильм премьераси.
22.45 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
10.00 "Видеогид".
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
12.40 "Омад" тақвими.
12.50 "Жозиба".
13.10 "Бир шингил ҳангома".
13.20 "Зиндаги ёҳуд муҳаббат".
13.40 Видео янгиликлари.
14.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
14.50 "Кинонигоҳ".

***

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"Тошкент" студияси таништиради:

ШАНБА ОҚШОМИДА

19.50 Болалар учун. "Табассум".
20.30 "Эсдалик учун дастхат".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "Антенна".
21.55 "Менинг кўчам".
22.15 "Кичик дебют".
22.35 – 23.50 "Кинематограф". Ч. Чаплин фильмлари.

ЎзТВ III
10.00 — 12.00

***

18.00 — 23.30
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

•

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.45 "Ўшангача ва ундан сўнг".
18.40 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Линдберг" боласининг ўғирланиши ҳақида тергов". Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.45 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Комиссар". Телесериал. 12-серия.
21.45 "Матбуот-экспресс".
22.00 – 22.50 Футбол. Россия чемпионати. "Торпедо" (Москва) – "Спартак" (Москва). 2-тайм.

Якшанба, 11

ЎзТВ I

6.30 – 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 83 – 84-сериялар.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Соғлом авлод учун". Спорт кўрсатуви.
10.55 "Ҳуқуқингизни биласизми?".
11.15 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи" почтасидан.
11.55 "Қўшиқларим сизга армуғон". Дониёр Тошмуҳамедов куйлайди.
12.25 – 13.45 Машраб Бобоев. "Жаноза ўқилмасин". Бухоро вилояти театрининг спектакли.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Қум соат". Мультфильм.
18.10 "Цирк! Цирк! Цирк!"
18.55 "Фан фидойиси". Академик Ҳосил Фозилов.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Ойнаи жаҳонда..."
20.25 "Тасвир". Кинокўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Эълонлар.
21.35 Феруз таваллудининг 150 йиллигига. "Бир қўшиқ тарихи".
22.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Нурафшон" – "Навбаҳор".
23.20 – 23.50 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусиқий дастур.
17.45 Эълонлар.
17.50 Видео – "О".
19.40 Эълонлар.
19.45 "Курьер".
20.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
20.30 "Суперспорт".
21.10 Эълонлар.
21.15 "Даракчи".
21.25 Эълонлар.
21.30 Видео – "О"

ЎзТВ III
10.00 — 12.00

***

18.00 — 23.00
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

•

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажина овловчилар". Мультфильмлар.
18.45 "Бомонд".
19.00 "Суперполициячи". Бадиий фильм (Италия).
21.00 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатув.
21.55 "Мариинскда саёҳат".
22.40 – 23.10 "Видеомикс".

КИМОШДИ САВДОСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 8 сентябрда "Туркистон" концерт залида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 3 йиллигига бағишлаб чиқарилган юбилей тангаларининг ким ошди савдосини ташкил қилади.

Тангалар чекланган миқдорда чиқарилган бўлиб нумизматик қийматга эга.

Тангалар эркин айирбошланадиган валютага сотилади. Ким ошди савдосига Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча чет-эл элчихоналари ва фирмалари вакиллари, шунингдек фуқаролар таклиф қилинади.

Маълумотлар учун соат 10 дан 13 гача 33-38-62, 68-17-55, 67-32-71, 9.00 дан 18.00 гача ҳар куни рақамли телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Кимошди савдосига қатнашиш учун аризалар қўйидаги манзилда қабул қилинади: Маяковский кўчаси 6-уй, Республика кўчмас мулк биржасида ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача, "Туркистон" саройида соат 12.00 дан 16.00 гача.

"Ўзкиновидеоижара" корхонаси жамоаси, Тошкент шаҳар кинофильмларни ижарага бериш идораси раҳбари Ҳ. Миробидова отаси
Султон ота Миробидовнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Иқтисод ва қурилишни ташкил этиш илмий тадқиқот институти жамоаси ва "Маскан" ойномаси таҳририяти институт раҳбари, ойнома таҳририятининг аъзоси, республикада хизмат кўрсатган бинокор
Абдусаттор КАРИМОВНИНГ
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамда яқинларига чуқур таъзия билдиради.

"Ўзсаноатхўжаликқурилиш" давлат корпорацияси бошқаруви, ижроия аппарати ва меҳнат жамоалари корпорация раисининг муовини Х. Юсуповга акаси
Абдуҳамид ЮСУПОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъати ва жамоаси собиқ бошқарма бошлиғи, меҳнат фахрийси, маҳаллий аҳамиятга молик нафақахўр
Сара ГИЛЬФАНОВАнинг
оғир касалликдан сўнг вафот этганлигини қайғу билан маълум қилади ва марҳуманинг оила аъзоларига ҳамда қариндош уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Республика ичимлик сувн ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Тошкент вилоят трести жамоаси трест бошлиғи Т. Мирзаевга отаси
Абдумажит Мирзамаҳмуд Хўжа ўғлининг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги республика ўқув-услубиёт маркази жамоаси услубиётчи, республикада хизмат кўрсатган механизатор
Абдукарим ҚАМБАРОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзсаноатхўжаликқурилиш" корпорацияси бошқаруви ва ижроия девони жамоаси етакчи мутахассис Наима Муротовага падари бузруквори
АБДУМАЖИД ОТАнинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ
•
НАРОДНОЕ СЛОВО

• ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов, навбатчи — О. Раҳимов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №0001 Буюртма Г. – 1053 70362 нусхада босилди, ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А – 2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти — 22.00. 1 2 3 4 5 6